

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019Tib.31.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ОКИЛЖОНОВА НИГОРАХОН АБДУЛАЗИЗОВНА

**ШТРИУМПЕЛ СПАСТИК ПАРАПЛЕГИЯСИНИНГ КЛИНИК-
ПАРАКЛИНИК ТАВСИФИ, ТАШХИСЛАШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Окилжонова Нигорахон Абдулазизовна

Штрюмпел спастик параплегиясининг клиник-параклиник тавсифи,
ташхислашни такомиллаштириш масалалари..... 3

Окилжонова Нигорахон Абдулазизовна

Клинико-параклиническая характеристика спастической параплегии
Штрюмпеля, вопросы оптимизации диагностики..... 29

Okiljonova Nigorakhon Abdulazizovna

Clinical-paraclinical characteristics of Shtrumpel's spastic paraplegia,
issues of diagnostic optimization..... 57

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 64

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019Tib.31.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ОКИЛЖОНОВА НИГОРАХОН АБДУЛАЗИЗОВНА

**ШТРИУМПЕЛ СПАСТИК ПАРАПЛЕГИЯСИНИНГ КЛИНИК-
ПАРАКЛИНИК ТАВСИФИ, ТАШХИСЛАШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Tib1335 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tipme.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Омонова Умида Тулкиновна, тиббиёт фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Шамансуров Шаанвар Шамуратович, тиббиёт фанлари доктори, профессор Джурабекова Азиза Тахировна, тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Тошкент тиббиёт академияси

Диссертация ҳимояси Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «_____» _____ кuni соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100007, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй. Тел./Факс: (+998) 71-268-17-44; e-mail:info@tipme.uz).

Диссертация билан Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100007, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй. Тел./Факс: (+998) 71-268-17-44.

Диссертация автореферати 2023 йил «_____» _____ кuni тарқатилди.
(2023 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Х.А.Акилов,
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н.Убайдуллаева,
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Б.Г.Гафуров,
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ирсий касалликлар билан болаларни туғилиши бутун жамият учун тиббий ижтимоий, иқтисодий ва психологик муаммо сифатида катта аҳамият касб этиб келмоқда. Наслий спастик параплегиялар (НСП) - клиник ва генетик жиҳатдан гетероген нейродегенератив касалликлар гуруҳи бўлиб, орқа мия пирамида йўлларининг зарарланиши оқибатида, оёқларнинг зўрайиб борувчи спастиклиги ва гиперрефлексияси билан тавсифланади. Сўнгги йилларда касалликнинг такрорланиш тезлиги ўсиб бормоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) экспертлари маълумотларига кўра, “дунёда НСП тарқалиш даражаси 100000 нафар аҳолига нисбатан 1,0-4,0 ни ташкил этиб, бу кўрсаткич доминант ва рецессив шакллар учун аҳолининг инбредлик ҳолатига қараб турлича бўлади”¹. Наслий спастик параплегияли болалар доимий равишда реабилитация чораларига, тиббий, ижтимоий ҳамда таълимий ёрдамга муҳтож бўлиб, уларнинг клиник-неврологик, инструментал ва генетик хусусиятларини ташхислаш орқали самарали даволаш тартибини такомиллаштириш, касаллик билан туғилишни олдини олиш учун ягона тизимни яратиш тиббиёт соҳасида долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда Штрюмпел наслий спастик параплегиясининг клиник, параклиник, генетик аспектларини аниқлаш, эрта ташхислашга янгича ёндашувларнинг юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада скрининг марказларига беморларни ҳудудлар бўйича учраш сони, Штрюмпел спастик параплегиясининг клиник-неврологик ва параклиник кечиш тавсифини аниқлаш, SPGгенидаги полиморфизмларни диапазонини баҳолаш, Штрюмпел спастик параплегиясини эрта ташхислаш мезонларини такомиллаштириш, тиббий генетик маслаҳат ва ушбу касалликга мойил оилаларда касалликнинг такрорий ҳолатларининг олдини олиш турли ҳудудларда амалий неврологик ва тиббий генетик хизматлар учун алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда болаларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини тубдан яхшилаш ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада «...аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича қатор мақсадли миллий дастурлар амалга ошириш. Болаларнинг ирсий ва туғма касалликлар билан туғилишининг олдини олиш мақсадида республика ва ҳудудий скрининг марказлари ташкил этиш...»² каби вазифалар белгиланган. Шу сабабли, кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга ва имконияти чекланган болаларнинг ҳаёт сифатини, уларнинг тўлиқ қайта ижтимоийлашуви билан яхшилашга йўналтирилган, беморларни олиб

¹ World Health Statistics 2017: monitoring health for the SDGs, sustainable development goals. – World Health Organization (WHO) Reports, Geneva, Switzerland.-2017/-121p.www.who.int

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590 сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

боришнинг оптимал тактикасини танлаш мақсадида болаларда Штрюмпел наслий спастик параплегиясини ривожланиш хавфини эрта ташхислашни генетик усулларга таянган ҳолда такомиллаштириш долзарб илмий йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сонли «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 7 сентябрдаги ПҚ-4440-сонли «Кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий генетик касалликларга чалинган болаларга тиббий-ижтимоий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 8 ноябрдаги ПҚ-4513-сонли «Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламни янада кенгайтириш тўғрисида», 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сонли «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Болаларда Штрюмпел НСП ривожланиши бир қатор молекуляр генетик ва клиник неврологик хусусиятларга эга бўлиб, улар ҳам жаҳон, ҳам маҳаллий олимларнинг ишларида ўз аксини топган. НСП нинг энг кенг тарқалган сабаблари хужайра ичидаги транспорт оқсилларини, шунингдек, мембрана органеллаларини шакллантиришда иштирок этадиган оқсилларни кодловчи ген мутациялари эканлиги исботланган (Blackstone et al., 2011). НСП билан боғлиқ кўплаб генларни идентификациялаш экзомни секвенирлаш усули ёрдамида амалга оширилган (Novarino et al., 2014). Ҳозирги кунда наслий спастик параплегиянинг аутосом-доминант, аутосом-рецессив ва X-хромосома билан чирмашган вариантлари билан боғлиқ 70 дан ортиқ ирсий локуслари (59 та идентификацияланган генлар) маълум қилинган (Klebe et al., 2015). НСП нинг митохондриал типдаги ирсий олиб ўтиш тури ҳам баён этилган. SPAST генида илгари маълум бўлмаган янги 3 та полиморфизм (с.322del29; с.1114A>G; с.885del10) НСП келтириб чиқариши исботланган (Ахметғалиева А.Ф., 2017). Португалия аҳолиси ўртасида тўлиқ экзом NGS секвенирлаш йўли билан аутосом доминант ирсийланиш орқали SPG4, SPG3, SPG31 генларининг 0,91; 0,14; 0,02 нисбатда, аутосом рецессив ирсийланиш орқали SPG11 ва SPG15 генларининг 0,26; 0,03 нисбатда учраши аниқланган (Morais S., Raymond L. et al., 2017). Шунингдек, мутацияларнинг табиатига қараб, бир хил генетик

шакллар турли хил клиник кўринишга эга бўлиши, касалликнинг асоратланмаган ёки мураккаб турлари сифатида тавсифланган (Руденская Г.Е., Кадникова В.А., 2018). Хитой аҳолиси орасида ўтказилган молекуляр генетик, эпидемиологик тадқиқотлар SPAST генида 14 га яқин мутацияларни аниқлаган (Lu X., Cen Z. 2022) .

Бизнинг мамлакатимизда наслий касалликлари бўлган беморларни молекуляр генетик таҳлиллари, клиник кечиши, диагностикаси ва уларни олиб бориш тактикасини ишлаб чиқиш бўйича қатор тадқиқотлар ўтказилган. Дюшен ва Беккер кенг тарқалган мушак дистрофияларни молекуляр генетик ва клиник аспектларининг ечими исботланган (Маджидова Ё.Н., Омонова У.Т., 2018). FII, FV генлари ва уларнинг бирикмалари мутацияларини аниқлаш юқори хавф гуруҳни ажаратиб олиш ва уларда перивентрикуляр лейкомаляцияни эрта ташхислаш, ПВЛ асорати бўлган касалликларда ўзаро боғлиқлик исботланган (Ш.Ш. Шамансуров, С.Р. Сайфутдинова 2019). Спинал мушак атрофиясини даволашда комбинацияланган терапия самарадорлиги исботланган (Шомансуров Ш.Ш., Шамсиддинова М.А., 2022). Фолат алмашинуви ген полиморфизмлари билан БЦФнинг оғирлик даражаси ва спастик шакллари орасида кореляцион боғлиқлик аниқланган (Омонова У.Т., Рахимова К.Э., 2023).

Шундай қилиб, наслий спастик параплегия бўйича қатор илмий ишлар қилинмоқда, жумладан наслий спастик параплегиялар аксарият ҳолларда болалар церебрал фалажининг (БЦФ) спастик диплегияси кўринишида "ниқобланади", шу сабабли уларни болалар мия фалажидан фарқлаш, Штрюмпел спастик параплегиясининг клиник-неврологик хусусиятларини аниқлаш, шунингдек, беморларда SPG4 генини молекуляр-генетик тадқиқ қилиш ушбу касаллик билан оғриган беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш мақсадида эрта ташхислаш учун зарур шарт-шароитларни яраташ имконини беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Асаб касалликларида қон-томир, яллиғланиш, дегенератив ва наслий нерв-мушак касалликларининг патогенетик хусусиятлари» мавзусидаги илмий йўналиш доирасида бажарилган (2019–2022 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади Штрюмпел спастик параплегиясининг клиник-параклиник хусусиятларини аниқлаш ва эрта ташхислаш усулларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

НСП ва БЦФ билан оғриган беморларда анамнестик кўрсаткичларни қиёсий таҳлили асосида касалликга сабабчи бўлувчи муҳим хавф омилларини аниқлаш;

Штрюмпелнинг спастик параплегияси билан оғриган беморларнинг клиник-неврологик тавсифини, БЦФ спастик диплегия шакли билан қиёсий

жиҳатдан баҳолаш;

параклиник тадқиқотлар асосида Штрюмпел касаллиги ва БЦФ спастик диплегия шакли билан оғриган беморлар бош мия структуравий нуқсонлар фарқларини аниқлаш;

генетик таҳлиллар ўтказиш асосида Штрюмпел спастик параплегия билан оғриган болаларда SPG генидаги полиморфизмларни аниқлаш;

Штрюмпел спастик параплегияси ва БЦФ спастик диплегия шаклини, эрта ва қиёсий ташхислаш алгоритминини такомиллаштириш ва амалиётга жорий қилиш;

Тадқиқотнинг объекти Республика «Она ва бола скрининг» маркази тиббий генетик маслаҳат бўлимига мурожаат қилган НСП ли 95 нафар ва У.К. Курбонов номли Республика болалар рухий-асаб шифохонасида БЦФ спастик диплегия ташхиси билан даволанган 58 нафар 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган беморлар ва 40 нафар соғлом болалар назорат гуруҳи сифатида олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида клиник-анамнестик, лабаротор инструментал маълумотлар ва қон зардоби ташкил қилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Клиник-анамнестик маълумотлар, нейровизуализация (бош мия ва орқа мия МРТ текшируви), нейрофизиологик (оёқ нервлари ЭНМГ текшируви), молекуляр-генетик (SPG генида MLPA ва секвенс таҳлили) ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

илк бор наслий спастик параплегияли болаларда ҳаракат фаолияти, мушаклар спастиклиги ва кучи билан, беморларни ёши орасида корреляцион боғлиқлик бўлиб, БЦФ ли болаларда тесқари корреляцион боғлиқлик аниқланган;

илк бор SPG генида экзом клиник секвенирлаш орқали SPG4 генининг 15 хромосомаси интрон соҳасида патоген аутосом-доминант мутациялар (chr2:32369901CAT>C ва с.1617-105 T>C) наслий спастик параплегия билан касалланган болаларда аниқланган;

илк бор бош мия қадоксимон танаси аномалияси бўлган беморда SUPT16H (SUPT16H_с. G931T/р. E311X) ген мутацияси наслий спастик параплегиянинг асоратли шакллари (рухий, ақлий ривожланиш бузилиши) билан кечиши исботланган;

илк бор қариндош никоҳдан туғилган болаларда Next Gen Sequencing секвенирлаш усулини қўллаш орқали наслий спастик параплегиянинг аутосом рецессив делеция/дупликацияларини эрта аниқлаш асосида такомиллаштирилган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

илк бор клиник-неврологик, инструментал, генетик таҳлилларга таяниб, НСП ва БЦФли беморларда қиёсий баҳолаш асосида касалликни эрта ташхислаш усуллари такомиллаштирилган;

Штрюмпел спастик параплегияси билан оғриган болаларда ҳаракат фаоллигини қиёсий баҳолашда Эшворт, MRS, GMFSC шкалаларининг клиник самарадорлиги исботланган;

Штрюмпел спастик параплегияси ва БЦФ спастик диплегиясини эрта қиёсий ташхислаш алгоритми ишлаб чиқилган;

Штрюмпел спастик параплегиясининг клиник-неврологик хусусиятларини аниқлаш, шунингдек, беморларда SPG4 генини молекуляр-генетик тадқиқ қилиш таклиф қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги замонавий клиник, инструментал, нейровизуализация ва молекуляр-генетик тадқиқот усулларнинг қўлланилганлиги, текширилган беморларнинг етарли сони, олинган маълумотларни статистик таҳлил қилиш учун оқилона усуллар тўплами, касалликни эрта аниқлаш, ташхислаш мезонларини ишлаб чиқиш усулларини такомиллаштириш, шунингдек, тадқиқот натижаларини клиник ва неврологик параллелари халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Штрюмпел спастик параплегиясининг клиник-неврологик, параклиник кечиш хусусиятларини аниқлаш, шунингдек, беморларда SPG4 генидаги полиморфизмлар диапазонини баҳолаш, беморларда SPG генида клиник секвенирлаш орқали мутацияларни аниқлашдан иборат бўлиб, бу ўз навбатида эрта ташхис ва қиёсий ташхисни такомиллаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти клиник-генетик корреляцияни аниқлаш, SPG4 генини молекуляр генетик тадқиқ қилиш наслий спастик параплегиялар билан оғриган беморларни бошқариш ва даволаш тактикасини олиб боришни яхшилаган, тавсиялар ушбу касалликдан азият чекадиган оилалар учун тиббий генетик маслаҳат тизимини ягона тизимга айлантириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тошкент педиатрия тиббиёт институти эксперт кенгашининг 2023 йил 25 майдаги 03/620-сон хулосасига кўра (илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг 2022 йил 18 мартдаги 03/552-сонли хати юборилган.): биринчи илмий янгилик:

Штрюмпел наслий спастик параплегияли болаларда харакат фаолияти, мушаклар спастиклиги ва кучи билан, беморларни ёши орасида корреляцион боғлиқлик мавжудлиги, болалар церебрал фалажи билан оғриган беморларда тескари корреляцион боғлиқлик аниқланиб, бу ўз навбатида қиёсий ва эрта ташхисни амалга ошириш имконини берган ва керакли реабилитация муолажаларни кўрсата оладиган муассасаларга юборилган, натижада кузатилиши мумкин бўлган асоратларни камайтирганлиги Тошкент Педиатрия тиббиёт институти клиник шифохонаси бўйича 01.03.2022 йилдаги 31-сонли буйруқ ҳамда У.К. Курбонов номли Республика болалар рухий асаб шифохонаси бўйича 11.03.2022 йилдаги 55-сонли буйруқ билан амалиётига жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан

иборат: таклиф этилган алгоритмлар ва комплекс ёндашувдан фойдаланиш, спастик параплегия белгиси кузатилган беморларни эрта ташхислаш ва даволаш сифатини яхшилаган.

Биринчи илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги куйидагилардан иборат: 1) Штрюмпел наслий спастик параплегиясининг эрта клиник ташхиси шкалалар ёрдамида харакат фаолияти, мушаклар спастиклиги ва кучи билан, беморларни ёши орасида корреляцион боғлиқлик мавжудлигини, болалар церебрал фалажи билан оғриган беморларда тескари корреляцион боғлиқлик аниқланиши, яъни бошқа кўшимча текширувлардан фойдаланмаслик ҳисобига иқтисод қилинган. 2) Наслий спастик параплегияни эрта ташхислаш учун нафақат невролог, балки генетик ва ортопедлар томонидан аниқланади, яъни унга махсус малака оширган шифокорларнинг кераги йўқлиги исботланиб, ортиқча сарф харажатлар билан янги кадр тайёрлашни шарт эмаслиги ҳисобига иқтисод қилишга эришилган. Хулоса: спастик параплегия белгили болаларда Штрюмпел наслий спастик параплегиясини тасдиқлаш ёки истисно қилиш учун эрта болалик даврида қиёсий ташхисини талаб қилиши ишлаб чиқилиб, 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 54 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 18 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

иккинчи илмий янгилик: SPG генида экзом клиник секвенирлаш орқали SPG4 генининг 15 хромосомаси интрон соҳасида патоген аутосом-доминант мутациялар (chr2:32369901CAT>C ва с.1617-105 T>C) наслий спастик параплегия билан касалланган болаларда аниқланганлиги Тошкент Педиатрия тиббиёт институти клиник шифохонаси бўйича 01.03.2022 йилдаги 31-сонли буйруқ ҳамда У.К. Курбонов номли Республика болалар рухий асаб шифохонаси бўйича 11.03.2022 йилдаги 55-сонли буйруқ билан амалиётига жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: куйидагилардан иборат: наслий спастик параплегия билан оғриган қариндош никоҳдан туғилган беморларда касалликнинг аутосом рецессив турида мультиплекс лигазага боғлиқ амплификация усулини қўллаш самара бермаслиги исботланиб, тўғридан тўғри SPG генида секвенирлаш усулини қўллаш 72% ҳолатларда ташхислаш самарадорлигини ошириши исботланган, босқичма-босқич ташхислашда таклиф этилган алгоритмлар ва комплекс ёндашувдан фойдаланиш наслий спастик параплегия билан оғриган беморларда эрта ташхислаш ва даволаш сифатини яхшилаган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: беморлар орасида наслий спастик параплегиянинг клиник ва молекуляр-генетик хусусиятларини таҳлил қилиш касалликни эрта ташхислаш мезонларини ишлаб чиқишга ёрдам бери, бу эса касалликни эрта босқичда аниқлаш имконини беради. Болаларда Штрюмпел наслий спастик параплегиясини ташхислаш алгоритмининг самарадорлиги мезонларига кўра, асосий гуруҳда ташхис қўйиш вақти 2,8 мартага сезиларли даражада қисқаргани кузатилди ($P<0,05$), шунинг учун асосий гуруҳда ташхислаш учун сарф қилинган кунларнинг ўртача сони $10,6\pm 0,39$ кун бўлса, таққослаш гуруҳида ташхис қўйиш муддатлари ўртача $29,3\pm 0,88$ кунни ташкил этган; Хулоса: Штрюмпел спастик параплегияси билан оғриган беморларни

бошқариш тактикасида ташхислаш тадбирларини босқичма босқич тўғри ташкиллаштириш полиневропатиялар - 3.15%, талваса ҳуружлари - 5.2%, кичик чаноқ аъзолари фаолиятини бошқара олмаслик - 4.4%, шунингдек 64% беморларда товон деформациялари каби кузатилиши мумкин бўлган асоратларни эрта аниқланиб, бартараф этиш чора тадбирлари ишлаб чиқилиб, 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 78 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 43 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

учинчи илмий янгилик: бош мия қадоқсимон танаси аномалияси бўлган беморда SUPT16H (SUPT16H_с. G931T/р. E311X) ген мутацияси наслий спастик параплегиянинг асоратли шакллари (рухий, ақлий ривожланиш бузилиши) билан кечиши исботланиб Тошкент Педиатрия тиббиёт институти клиник шифохонаси бўйича 01.03.2022 йилдаги 31-сонли буйруқ ҳамда У.К. Қурбонов номли Республика болалар рухий асаб шифохонаси бўйича 11.03.2022 йилдаги 55-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: қуйидагилардан иборат: қуйидагилардан иборат: Штрюмпел наслий спастикпараплегиясида SUPT16H (SUPT16H_с. G931T/р. E311X) ген мутацияси эрта аниқлаш касалликнинг асоратли шаклларида кузатилувчи рухий, ақлий ривожланиш бузилиши ҳолатларини эрта аниқлаш имконини берган, ақли заифлик даражасини зўраймаслигини бартараф этиш учун ўз вақтида адекват даво чораларини бошлаш кўпол асоратлар кузатилишини олдини олган. Наслий спастик параплегиянинг асоратли шаклларида ақли заифликни эрта ва тўғри аниқлаш, даволаш сифатини яхшилаган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: 1) болаларда Штрюмпел наслий спастик параплегиясининг асоратли шаклларида рухий бузилишлар ва ақли заифликни эрта ташхислаш ўз вақтида реабилитация муолажаларини амалга ошириш ва ногиронликни олдини олиш чораларини кўриш таъминланган. 2) беморлар ва уларнинг оилаларига ижтимоий-реабилитация ёрдамини кўрсатиш доирасида Штрюмпел наслий спастик параплегияси билан оғриган беморлар яшаш сифати ошишида ифодаланадиган ижтимоий-иқтисодий самарани ошириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган. Хулоса: болаларда Штрюмпел наслий спастик параплегиясининг асоратли шаклларида рухий бузилишлар ва ақли заифликни эрта ташхислаш чора тадбирлари ишлаб чиқиш ва амалиётда қўлланилиши 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 72 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 27 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

тўртинчи илмий янгилик: қариндош никоҳдан туғилган болаларда Next Gen Sequencing секвенирлаш усулини қўллаш орқали наслий спастик параплегиянинг аутосом рецессив делеция/дупликацияларини эрта аниқлаш асосида такомиллаштирилиб Тошкент Педиатрия тиббиёт институти клиник шифохонаси бўйича 01.03.2022 йилдаги 31-сонли буйруқ ҳамда У.К. Қурбонов номли Республика болалар рухий асаб шифохонаси бўйича 11.03.2022 йилдаги 55-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган. . Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: қариндош никоҳдан

туғилган болаларда Next Gen Sequencing секвенирлаш усулини қўллаш орқали наслий спастика параплегиянинг аутосом рецессив делеция/дупликацияларини эрта аниқлаш орқали олинган натижаларни амалиётга тадбиқ этилиши беморлар ва уларнинг оилаларига ижтимоий-реабилитация ёрдамиди кўрсатиш доирасида наслий спастика параплегия билан оғриган беморлар яшаш сифати ошишида ифодаланадиган ижтимоий-иқтисодий самарани ошириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган. Олинган маълумотлар натижасида Штрюмпел спастика параплегияси ва БЦФнинг эрта дифференциал диагностик алгоритми ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган ташхислаш алгоритми адекват терапияни ўтказиш мақсадида Штрюмпел спастика параплегияси ва болалар церебрал фалажининг дифференциал диагностика сифатини яхшилашга хизмат қилган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: 1) болаларда Штрюмпел спастика параплегиясини эрта ташхислаш алгоритмининг қўллаш самарадорлиги мезонларига мувофиқ ташхислаш муддатларининг 2,8 баравар қисқариши кузатилди, асосий гуруҳда ташхислаш учун кетган кунларнинг ўртача сони $10,6 \pm 0,39$ кунни ташкил қилган бўлса, таққослаш гуруҳида ташхислаш муддати ўртача $29,3 \pm 0,88$ кунни ташкил этди. 2) Ишлаб чиқилган ташхислаш алгоритми адекват терапияни ўтказиш мақсадида Штрюмпел наслий спастика параплегияси ва болалар церебрал фалажининг қиёсий ташхис ва эрта ташхис самарадорлигини 44% га оширган. Хулоса: Штрюмпел наслий спастика параплегияси билан оғриган беморларда алгоритм ва қиёсий ташхислаш мезонларидан фойдаланиш 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 68 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 24 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган бўлиб шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 120 та бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурийлиги асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари баён этилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган,

тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этилиши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертация ишининг **“Наслий спастик параплегия билан оғриган беморларни ташхислашда замонавий ёндашувлар, клиник полиморфизм муаммоси (адабиётлар шарҳи)”** деб номланган биринчи бобида НСП этиопатогенези, клиникаси ва диагностика усуллари масалалари акс этирилган замонавий адабиёт манбалари кўриб чиқилган ва таҳлил қилинган. Шунингдек, НСП билан оғриган беморларга тиббий-генетик маслаҳат ва ёрдамни ташкил этишни такомиллаштириш усуллари кўрсатилган.

Диссертациянинг **“Штрюмпел наслий спастик параплегияси ва болалар церебрал фалажи билан оғриган беморларнинг клиник-неврологик, параклиник хусусиятларини аниқлаш бўйича тадқиқот материаллари ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида муаммонинг ечимини таъминлайдиган услубий ёндашувлар ва усуллар келтирилган.

Тадқиқот 153 нафар беморнинг текширув маълумотларига асосланган. Улардан НСП билан оғриган 95 нафар бемор асосий гуруҳни ташкил қилди. Ретроспектив тадқиқотга 2007-2017 йиллар давомида Республика “Она ва бола скрининги” маркази (Тошкент ш.) тиббий-генетик маслаҳат бўлимига мурожаат қилган 40 нафар бола киритилди. 2018-2022 йиллар давомида мурожаат қилган 55 нафар бемор ўртасида проспектив тадқиқот ўтказилди. 2019-2022 йилларда У.К. Курбонов номли Республика болалар руҳий-асаб шифохона поликлиникасига мурожаат этган БЦФ спастик диплегияси ташхиси қўйилган 58 нафар бемор бола таққослаш гуруҳини ташкил этди.

Ташхис генеалогик, клиник-неврологик, параклиник (бош мия МРТ, орқа мия МРТ ва оёқ нервларининг ЭНМГ текшируви) ва молекуляр- генетик тадқиқот усуллари асосида қўйилди. Қуйидаги баҳолаш шкалаларидан фойдаланилди: ҳаракат фаолияти MRS шкаласи ёрдамида, мушаклар спастиклик даражаси Ashworth шкаласи ёрдамида, катта мотор фаолият GMFSC шкаласи ёрдамида баҳоланди. Тадқиқотнинг молекуляр генетик қисми Миллий болалар тиббиёт маркази тиббий генетика лабораториясида амалга оширилди. SPAST (SPG4) генида MLPA (Multiplex Ligation-dependent Probe Amplification) диагностикаси ва тўлиқ геном секвенирлаш NGS (Next Gen Sequencing) технологияси ёрдамида амалга оширилди. Олинган натижаларга статистик ишлов бериш MS Office Excel 2016 (Microsoft) дастурий таъминот мажмуаси ёрдамида амалга оширилди.

Текширилган беморларнинг жинси ва ёшига боғлиқ хусусиятлари 1- ва 2-жадвалларда келтирилган.

1-жадвал

Беморларнинг жинсига кўра тақсимланиши

Тоифа	Асосий гуруҳ	Таққослаш гуруҳи
Ўғил болалар	58 (61%)	30 (51,7%)
Қиз болалар	37 (39%)	28 (48,3%)

Беморларнинг ёшига кўра тақсимланиши

	3 ёшгача	4-7 ёш	8-15 ёш
Асосий гуруҳ n=95	22 (23,2%)	42 (44,2%)	31 (32,6%)
Таққослаш гуруҳи n=58	18 (31%)	28 (48,3%)	12 (20,7%)

Тақдим этилган маълумотлардан кўриниб турибдики, текширилган гуруҳларда жинс бўйича фарқлар мавжуд эмас, барча гуруҳларда эркак жинси вакиллари устунлик қилди. Ташхис қўйилганда асосий гуруҳдаги беморларнинг 44,2%ни 4-7 ёшдагилар ташкил қилди, энг кичик гуруҳ 3 ёшгача бўлган болалардан иборат бўлди - 23,2%. Ташхис қўйилганда таққослаш гуруҳидаги беморларнинг 48,3 %и 4-7 ёшда болалар бўлди, энг кичик гуруҳни 8-14 ёшли болалар ташкил қилди - 20,7 %.

Асосий гуруҳдаги беморларнинг энг кўп қисми Тошкент шаҳри (17,9%) ва Тошкент вилоятидан (10,5%) мурожаат қилган, бу ҳудуднинг Республика “Она ва бола” скрининг марказига географик жиҳатдан яқинлиги билан боғлиқ. Республика ҳудудлари бўйича мурожаатларнинг юқори фоизи Самарқанд (15,8 %), Қашқадарё (12,6%) ва Сурхондарё (14,7 %) вилоятларида кузатилди, бу эса ушбу ҳудудларда туғилиш даржасининг юқорилиги, қариндош-уруғлар ўртасида никоҳларнинг кўплиги, ва шунга мос равишда, ушбу патологияли беморларнинг кўп туғилиши билан боғлиқ. НСП билан касалланган беморлар шажарасини ўрганишда 34 та ҳолатда никоҳ яқин қариндошлар ўртасида ўрнатилганлиги қайд этилди, бу 35,7% ни ташкил этди. Аниқланишича, 48% ҳолатда (27 та оила) оилаларда худди шундай касалликка чалинган беморлар кузатилди. Қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланишига қараб, энг катта фоиз, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида кузатилишини аниқлашга муваффақ бўлдик.

Диссертациянинг **“Наслий спастик параплегиянинг болалар церебрал фалажи билан қиёсий жиҳатдан клиник-параклиник тавсифи”** деб номланган учинчи бобида уларни ўрганиш натижалари таҳлил қилинган. Асосий гуруҳ беморларининг акушерлик анамнезини таҳлил қилганда, ҳомиладорлик 32,6% ҳолатда анемия фониди, 10,5% ҳолатда токсикоз билан кечганлиги аниқланди. Текширилган оналарнинг 10,5 %да ҳомиладорлик даврида ЎРВК ўтказилганлиги аниқланди. Бемор болалар оналарининг 8,4%да ҳомиладорлик пайтида сурункали касалликларнинг зўрайиши қайд этилган. Оналарнинг 67,4%да ҳомиладорлик ҳеч қандай муаммоларсиз кечган. БЦФ билан касалланган болаларнинг оналарида ҳомиладорликнинг 1- ва 2-ярми токсикозлар, асоратлар, ҳомиланинг тушиш хавфи, камқонлик ва бошқалар билан кечганлиги аниқланган. II даражали камқонлик ҳомиладорликнинг 2-ярми давомида 48 ҳомиладорда(82,4%), ЎРВК - 21 (36,2%), токсикоз - 26 (44,8%), ҳомила тушиш хавфи - 14 (24,1%) аёлда қайд этилган (3-жадвал).

3-жадвал

Ҳомиладорлик даври хавф омиллари

Ҳомиладорлик кечиши	Асосий гуруҳ n=95	Таққослаш гуруҳи n=58	Статистик кўрсаткичлар
Камқонлик	31 (32,6%)	48 (82,8%)	OR=0,1; 95% CI: 0,05-0,22; P < 0.0001
Токсикоз	10 (10,5%)	26 (44,8%)	OR=0,14; 95% CI: 0,06-0,33; P < 0.0001
ЎРВИ	10 (10,5%)	21 (36,2%)	OR=0,2; 95% CI: 0,09-0,48; P= 0.0003
Нефропатия	7 (7,4%)	7 (12,1%)	
Ҳомила тушиш хавфи	2 (2,1%)	14 (24,1%)	OR=0,067; 95% CI: 0,015-0,31; P=0.0005
Сурункали касалликларнинг зўрайиши	8 (8,4%)	6 (10,3%)	
Ҳомиладорлик муаммоларсиз кечган	64 (67,4%)	8 (13,8%)	OR=12,9; 95% CI: 5,46-30,52; P < 0.0001

4-жадвал

Перинатал давр хавф омиллари

Омиллар	Асосий гуруҳ	Таққослаш гуруҳи	P
Муаммосиз туғруқлар	81 (85,2%)	22 (37,9%)	OR=9,5; 95% CI: 4,45-20,58; P < 0.0001
Муддатидан илгари туғруқлар	7 (7,4%)	36 (62,1%)	OR=0,05; 95% CI: 0,019-0,12; P < 0.0001
Туғруқ муддатлари (ҳафта)	38,53±2,7	32,72±4,4	
Ҳомиланинг думба ва чаноқ билан келиши	3 (3,2%)	6 (10,3%)	
Йўлдошнинг кўчиши	-	3 (5,2%)	
Қоғоноқ сувининг эрта кетиб қолиши	-	24 (41,4%)	OR=0,007; 95% CI: 0,0004-0,12; P < 0.0001
Туғруқ фаолиятининг кучайиши	-	3 (5,2%)	
Мустақил туғруқлар	88 (92,7%)	46 (79,3%)	OR=3,3; 95% CI: 1,2-8,9; P=0,0197
Кесарча кесиш	7 (7,4%)	9 (15,5%)	
Сувнинг ифлосланганлиги	4 (4,2%)	21 (36,2%)	OR=0,08; 95% CI: 0,025-0,24; P < 0.0001

Туғилгандаги вазн, гр	3453,6 ±71,6	2442,6 ±107,5	p=0.000000
Туғилган заҳоти қичқирди	84 (88,4%)	21 (36,2%)	OR=13,45; 95% CI: 5,89-30,72; P < 0.0001
Кучсиз қичқирди	2(2,1%)	10 (17,2%)	OR=0,1; 95% CI: 0,02-0,49; P=0,0043
Асфиксия	9 (9,5%)	27 (46,6%)	OR=0,12; 95% CI: 0,05-0,28; P < 0.0001
Ўпканинг сунъий вентилляцияси	-	9 (15,5%)	OR=0,03; 95% CI: 0,0016-0,48; P=0,0137
Жадал терапия ва реанимация бўлими	-	23 (39,7%)	OR=0,008; 95% CI: 0,0005-0,13; P=0,0008
Чақалоқлар патологияси бўлими	3 (3,2%)	16 (27,6%)	OR=0,08; 95% CI: 0,02-0,31; P=0,0002
Кома	-	2 (3,4%)	
Туғруқ залида онанинг кўкрагига тутилган	91 (95,8%)	17 (29,3%)	OR=54,9; 95% CI: 17,4-173,3; P < 0.0001
Зонд орқали озиклантириш	2 (2,1%)	29 (50%)	OR=0,02; 95% CI: 0,005-0,1; P < 0.0001

Перинатал давр хавф омилларини ўрганишда асосий гуруҳда 85,2% ҳолатда туғруқлар муаммоларсиз, 7,4% ҳолатда муддатидан илгари туғруқлар кузатилганлиги аниқланди. 9,5% бола асфиксия билан туғилган. Болаларнинг туғилган пайтидаги вазни ўртача 3453,6±71,6 г ни ташкил қилди(4-жадвал). Анамнез маълумотларига мувофиқ, таққослаш гуруҳида қоғонок сувининг эрта кетиб қолиши 24 болада (41,4%), қоғонок сувининг ифлосланиши – 21 болада (36,2%) қайд этилган; асфиксия билан 27 нафар (46,6%) бола туғилган. Болаларнинг туғилгандаги вазни ўртача 2442,6±107,45 гр.ни ташкил қилган. Туғруқ муддатларини таҳлил қилишда аниқландики, асосий гуруҳда 85,2% ҳолатда туғруқ ўз муддатида содир бўлган, таққослаш гуруҳида асосан муддатидан илгари туғруқлар устуворлик қилган (58,6%) (5-жадвал).

5-жадвал

Туғруқ муддати таҳлили

Туғруқ муддати	Асосий гуруҳ n=95	Таққослаш гуруҳи n=58	Статистик маълумотлар
28 ҳафтадан кам	-	2 (3,4%)	
28-35 ҳафталик	7 (7,4%)	34 (58,6%)	OR=0,06; 95% CI: 0,02-0,14; P < 0.0001
36-40 ҳафталик	81 (85,2%)	22 (37,9%)	OR=9,47; 95% CI: 4,35-20,58; P < 0.0001
40 ҳафтадан ортиқ	7 (7,4%)	-	

Текширилаётган болаларда психомотор кўникмаларнинг ривожланишини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, асосий гуруҳда болаларнинг 70,4%да психомотор ривожланиш болаларнинг ёшига мос келди. Беморларнинг 29,6% кеч юришни бошлаган, бу болаларда оёқ учида юришга мойиллик бўлган. Таққослаш гуруҳидаги болаларнинг психомотор ривожланиши 85,1% ҳолатда ёшига тегишли меъёрга тўғри келмади, улар туғилганидаёқ психомотор ва нутқ ривожланишида орқада қолишди.

Шундай қилиб, жумладан НСП билан оғриган беморларда ҳомиладорлик (ОШ=12,9; 95%ДИ: 5,46-30,52; $P < 0.0001$), туғруқ (ОШ=9,5; 95%ДИ: 4,45-20,58; $P < 0.0001$) ва перинатал давр асоратсиз кечди

Биз НСП ва БЦФ спастик диплегиянинг клиник-неврологик кўринишларини ўзаро қиёсий солиштирдик. 6-жадвалда келтирилган неврологик текширув натижалари шуни кўрсатадики, таққослаш гуруҳидаги беморларда клиник белгилар, айниқса бош мия нервлари иннервацияси ва ҳаракат фаолияти соҳасидаги ўзгаришлар асосий гуруҳидагига қараганда яққолроқ бўлди. Клиник кўринишдаги ўзига хос хусусият НСП билан оғриган болаларнинг 65,2 %да оёқ панжаси контрактурасининг мавжудлиги (Фридрейх оёғи) бўлса, БЦФда болаларда болдир-панжа бўғими контрактураси кўпроқ учрайди, бу 36,2% ни ташкил этди ($P < 0,001$). Чанок аъзолари дисфункциялари иккала гуруҳда ҳам қайд этилди, лекин кўпроқ таққослаш гуруҳидаги болаларда кузатилди. Текширилган болаларнинг иккала гуруҳида баъзи клиник ўхшашликлар аниқланди: иккала гуруҳда ҳам юришнинг бузилиши кузатилди, яъни типик спастик юриш, ҳаракат бузилишлари кўпинча ассиметрик, гиперрефлексия, ижобий оёқ патологик белгилари қайд этилди.

6-жадвал

Текширилган болаларда айрим симптомларнинг кузатилиш частотаси

Касаллик белгилари	Симптомлар частотаси				Статистик кўрсаткичлар
	Асосий гуруҳ (n=95)		Таққослаш гуруҳи (n=58)		
	Абс.	%	Абс.	%	
Бошнинг айланаси					
Нормал	92	96,8	42	72,4	OR=11.7; 95% CI: 3.2-42.3; $P = 0.0002$
Гидроцефалия	1	1,05	5	8,6	
Микроцефалия	2	2,10	11	18,9	OR=0.1; 95% CI: 0.02-0.43; $P = 0.0025$
БМЖН					
Кўришнинг бузилиши	1	1,05	5	8,6	OR=0.1; 95% CI: 0.01-0.99; $P = 0.0490$
Ичкарига қараган ғилайлик	5	5,3	31	53,4	OR=0.05; 95% CI: 0.02-0.14; $P < 0.0001$

Ташқарига қараган ғилайлик	3	3,2	14	24,1	OR=0.1; 95% CI: 0.03-0.4; P=0,006
Птоз	2	2,1	-	-	
Чайнашнинг бузилиши	2	2,1	23	39,6	OR=0.03; 95% CI: 0.0073-0.14; P < 0.0001
Эшитишнинг бузилиши	-	-	3	5,1	
Ютишнинг бузилиши	-	-	11	19	OR=0.02; 95% CI: 0.00123-0.4; P=0,0084
Нутқ бузилиши (дизартрия)	6	6,3	47	81	OR=0.02; 95% CI: 0.0055-0.04; P < 0.0001
Харакат фаолияти					
мушак тонус					
Спастик тип бўйича ошган	95	100	58	100	
Контрактура					
Тирсак бўғимларида	-	-	7	12,1	OR=0.04; 95% CI: 0.002-0.64; P=0,024
Билак-кафт усти бўғимида	-	-	5	8,6	OR=0.05; 95% CI: 0.003-0.94; P=0,0452
Тизза бўғимларида	8	8,4	17	29,3	OR=0.2; 95% CI: 0.09-0.56; P=0,0013
Болдир-панжа бўғимларида	12	12,6	21	36,2	OR=0.25;95% CI:0.11- 0.57;P=0,0009
«Фридрейх» товони	62	65,2	-	-	OR=218,3; 95% CI: 13,1-3644,4; P=0,0002
Сезги бузилишлари					
Пай рефлекслари					
Ортган	95	100	58	100	
юқори рефлексоген зонали	95	100	31	53,4	
Мусбат оёқ панжаси белгилари					
Бабинский	95	100	58	100	
Гордон	95	100	37	63,8	OR=109.5; 95% CI: 6.5-1854.2; P = 0.0011
Шеффер	95	100	21	36,2	OR=333,14; 95% CI: 19.7-5640.8; P = 0.0001
Оппенгейм	95	100	29	50	OR=191,0; 95% CI: 11,3-3222,3; P = 0.0003
Клонуслар	68	71,6	14	24,1	OR=7,9; 95% CI: 3,7-16,7; P< 0.0001
Координаторсоҳа патологиялари					
интенцион тремор	-	-	-	-	
мияча атаксияси	-	-	-	-	

НСП билан оғриган беморларни клиник-неврологик текшириш давомида биз фақат ҳаракат бузилишлари билан тавсифланадиган соф спастик параплегия (71,5%) ва спастик параплегиянинг БМЖН дисфункцияси кўринишидаги асоратлари (20%), турли даражадаги интеллект бузилишлари (5,4%), чаноқ аъзоларининг дисфункцияси (4,4%), анамнезда талвасалар (5,2%), полиневропатиялар (3,15%), экстраневрал симптомлар 3 (3,1%) беморда, яъни ихтиоз кўринишидаги терининг туғма ўзгаришлари аниқланган.

GMFCS шкаласи бўйича катта мотор функцияларини баҳолашда куйидаги кўрсаткичлар аниқланди (7-жадвал): иккала гуруҳда 4-7 ёшда 2- ва 4- даражалар устунлик қилди (72,7% ва 77,6%). 8-15 ёшда асосий гуруҳда 5- даража устунлик қилган - 21 (22%), таққослаш гуруҳида эса бу кўрсаткич 4 даража (6,9%)ни ташкил қилди.

7-жадвал

Текширилган гуруҳларда ёшга кўра GMFCS

GMFCS бўйича даража	2	3	4	5	N	5 / (2+3+4) 8-15 ёш/8 ёшгача	(4+5) / (2+3) 4-15 ёш / 3 ёшгача	5 / (2+3+4) Гуруҳлараро	
Ёши	Асосий гуруҳ								
3 ёшгача	20	1	0	1	22	OR=65.1; 95% CI: 13.2-21.4; P <0.0001	OR=55.7; 95% CI: 7.0-441.5; P = 0.0001	OR=4.3; 95% CI: 1.4-13.2; P = 0.0105	
4-7 ёш	14	1	26	1	42				
8-15 ёш	4	1	5	21	31				
N	38	3	31	23	95				
	Таққослаш гуруҳи								
3 ёшгача	4	3	10	1	18	P>0,05	P>0,05		
4-7 ёш	8	6	12	2	28				
8-15 ёш	7	0	4	1	12				
N	19	9	26	4	58				

Эшворт шкаласи бўйича спастикликни баҳолашда асосий гуруҳда 2 балл кузатилмади, таққослаш гуруҳида бу кўрсаткич 8,7% ни ташкил этди (8-жадвал). 4-7 ёшли беморларнинг асосий гуруҳида 4 балл (92,6%), таққослаш гуруҳида эса 3 балл (50%) устунлик қилди.

8-жадвал

Эшворт шкаласи бўйича оёқларда спастикликни баҳолаш

Баллар	2	3	4	5	N	3 ёшгача / 4-15 ёш	Гуруҳлараро
Ёши	Асосий гуруҳ					(4+5) / (2+3)	
3ёшгача	0	6	16	0	22	OR= 27.0 95% CI: 3.0-240.1	OR=17.8 95% CI: 7.0-45.2
4-7 ёш	0	0	42	0	42		
8-15 ёш	0	1	30	0	31		

N	0	7	88	0	95	P = 0.0031	P < 0.0001
Таққослаш гуруҳи						P > 0,05	
3 ёшгача	2	9	7	0	18		
4-7 ёш	3	13	11	1	28		
8-15 ёш	0	7	4	1	12		
N	5	29	22	2	58		

MRS шкаласи бўйича асосий гуруҳда мушак кучи ўртача 3-4 баллни (64,2% ва 25,2%) ташкил этган бўлса, таққослаш гуруҳида бу кўрсаткич 2-3 (51,7% ва 36,2%) баллни ташкил этди (9-жадвал).

9-жадвал

Текширилган гуруҳларда MRS шкаласи бўйича мушак кучини баҳолаш

Баллар	1	2	3	4	5	(4+5) / (1+3)	(3+5) / (1+2)	(4+5) / (1+2+3)
Ёши	Асосий гуруҳ					до 7 / 8-15 лет	Гуруҳлараро	
3 ёшгача	0	0	16	6	0	OR=13.4 95% CI: 4.4-40.3 P < 0.0001	OR=17.8 95% CI: 7.0-45.2 P < 0.0001	OR=2.9 95% CI: 1.12-7.68 P = 0.0288
4-7 ёш	0	1	41	0	0			
8-15 ёш	0	3	10	18	0			
N		4	67	24	0			
Таққослаш гуруҳи						P > 0,05		
3 ёшгача	0	10	7	0	1			
4-7 ёш	1	12	11	4	0			
8-15 ёш	0	8	3	1	0			
N	1	30	21	5	1			

Шундай қилиб, наслий спастик параплегиали болаларда ҳаракат фаолияти, мушаклар спастиклиги ва кучи билан, беморларни ёши орасида корреляцион боғлиқлик бўлиб, БЦФ ли болаларда тескари корреляцион боғлиқлик аниқланган.

Миядаги структуравий ўзгаришларни аниқлаш мақсадида асосий гуруҳдаги 51 нафар ва таққослаш гуруҳидаги 58 нафар болада миянинг МРТ текшируви ўтказилди. Асосий гуруҳ болаларида 13,6% ва 7,3% ҳолатда қадоксимон тананинг гипогенезия ва агенезия кўринишидаги бош мия ўзгаришлари кўпроқ кузатилди, таққослаш гуруҳида асосан перивентрикуляр лейкомаляция (65,5%) ва ёнбош қоринчалар орқа шохларида глиоз (25,8%) устунлик қилган. Олдинги шохлар яқинида юқалашган қадокли тана ва ўзгарган оқ модда бўлган аксиал кесмалар тасвири адабиётда "силовсин қулоқлари"га қиёсланади. Юқоридаги ўзгаришларга қўшимча равишда, асосий гуруҳда мия МРТсида оқ модданинг бошқа соҳалари зарарланганлиги, пўстлоқ атрофияси (13,7%) ва мияча эктопияси (3,9%) аниқланган. Орқа мия ва умуртқа поғонасидаги структуравий ўзгаришларни

аниқлаш мақсадида асосий гуруҳдаги 36 нафар болада орқа мия ва умуртқа поғонасининг МРТ текшируви ўтказилди. Бунда 19,4% ҳолатда умуртқа поғонасида кўзга ташланадиган структуравий ўзгаришлар, 13,9% ҳолатда дисклар протрузияси, 58,3% беморда умуртқа поғонасининг бўйин ва бўйин-кўкрак қисмида умуртқа поғонасининг С шаклидаги сколиози аниқланган. Шу билан бирга, уларнинг 38,9%да ўннга, 19,4%да эса чапга томонга сколиоз қайд этилган. 8,4% беморда кўкрак ва бел соҳаларида 5,6% ва 2,8% ҳолатда орқа мия атрофияси аниқланган.

Ҳолбуки ЭНМГ текширувлари асоратланмаган НСП ва БЦФ спастик диплегия шаклини ташхислаш мезонларига киритилмаган бўлса-да, асосий гуруҳда асоратланган шаклларда ўтказилган клиник-неврологик текширувларда 19 нафар (20%) катта ёшдаги болада полиневропатия белгилари аниқланган, бу оёқ нервларининг ЭНМГ текширувида тасдиқланган. 8 ёшдан 15 ёшгача бўлган 19 нафар бемор текширилди. Икки томонлама катта болдир ва кичик болдир нервларининг мотор нервлари бўйлаб ўтказувчанлик тезлиги, бу нервлар бўйлаб резидуал латентлик, шунингдек, оёқнинг қисқа букувчиси (ОҚБ) ва оёқ панжаси букувчисидан (ОБ) мотор жавоб амплитудаси ўлчанди. Маълумотлар тегишли ёшдаги стандарт лаборатория маълумотлари билан, шунингдек, ўнг ва чап томонлар ўртасида таққосланди. Юқорида қайд этилган мушаклар учун мотор жавобининг минимал амплитудаси 3,5 мВ ни ташкил қилади. 11 ўғил боладан 2 тасида (18%) ва 8 қиз боладан 1 тасида (12,5%) текширилган нервлар бўйича импульс ўтказиш тезлигининг сезиларли даражада пасайиши ва ҳаракат реакцияси амплитудасининг пасайиши қайд этилган. Бир нафар ўғил болада (14 ёш) кичик болдир нервлари бўйлаб импульс ўтказиш тезлиги ўнг томонда 31,3 м/с ва чап томонда 29,8 м/с, товонни қисқа ёзувчи мушак билан ҳаракат жавобининг амплитудаси ўнгда 0,3 мВ, чап томонда 0,5мВ ни ташкил этди. Ушбу беморда катта болдир нервлари бўйлаб кўрсаткичлар меъёрнинг қуйи чегараларига мос келди. Бошқа бир болада (6 ёш) кичик болдир нервлар бўйлаб импульс ўтказиш тезлиги ўнгда 27,8 м/с ва чапда 25 м/с, товон қисқа ёзувчи мушаги билан ҳаракат жавоб амплитудаси ўнгда 1,0 мВ ва чапда 0,8 мВ ташкил этди. Катта болдир нервлари бўйлаб импульс ўтказиш тезлиги ўнгда 33,2 м/с ва чапда 33 м / с, ўртача тезлик билан ҳаракат жавобининг амплитудаси ҳар икки томонда 2,5 мВ бўлди. 9 ёшли қизда қуйидаги маълумотлар қайд этилди: ўнгда кичик болдир нерви бўйлаб импульс ўтказиш тезлиги 30 м/с ва чапда 29,3 м/с, ҳаракат реакцияси амплитудаси ўнгда 1,6 мВ ва чапда 1,5 мВ. Катта болдир нерви бўйлаб ўнгда кўрсаткичлар меъёрнинг пастки чегарасида, чапда импульс ўтказиш тезлиги 33,4 м/с, товонни букувчи мушак билан ҳаракат жавобининг амплитудаси 3,4 мВ кузатилди. Қолган болаларда амплитуда-тезлик кўрсаткичлари меъёр оралиғида бўлди. Шундай қилиб, кичик болдир нерви бўйлаб ўртача тезлик 47,6 м/с, катта болдир нерви бўйлаб 49 м/сни ташкил қилди. Товонни қисқа ёзувчи мушак учун М жавоб амплитудаси 3,8 мВ, ўртача тезлик бўйича 7,3 мВ. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, беморларнинг умумий сонидан 8 (42,2%)

болада кичик болдир нерви ўтказувчанлиги тезлиги ва резидуал латентлик меъёр чегарасида бўлганда, шунингдек катта болдир бўйлаб барча кўрсаткичлар меъёрий бўлганда, товон қисқа букувчи мушак билан ҳаракат жавоб реакцияси амплитудаси қисқариши ва ўртача 2,1 МВ ни ташкил этиши аниқланди. Ушбу ҳодисани клиник кўринишига кўра, оёқлар мушакларининг гипертонуси фонидаги дисфункция оқибатида ривожланадиган товон қисқа букувчи мушакларининг эрта атрофияси билан изоҳлаш мумкин (10-жадвал).

10-жадвал

НСП билан оғриган болаларда оёқ нервларининг ЭНМГ кўрсаткичлари (n=19)

ЭНМГ кўрсаткичлари (ўртача)	М жавоб амплитудаси (мВ)	Резидуал латентлик (мс)	Импульс ўтказиш тезлиги (м/с)
ЭНМГ да патологик ўзгаришлар аниқланмаган беморлар, n=16			
Кичик болдир нерви	3,8	1,9	47,6
Катта болдир нерви	7,3	2,1	49
ЭНМГ да патологик ўзгаришлар аниқланган беморлар, n=3			
Кичик болдир нерви	0,95	4,1	28,8
Катта болдир нерви	3,4	4,5	37,5

ЭНМГда аниқланган ўзгаришлар полиневропатия кўринишидаги шикастланишнинг неврал турига мос келади; зарарланган нервларнинг ён томонлари ассиметрияси катта эмас; бизнинг ҳолатларимизда ўғил болалар қиз болаларга қараганда кўпроқ шикастланган; ҳолатларнинг деярли ярмида дисфункция туфайли оёқ панжасининг қисқа букувчиси мушагида атрофик ўзгаришлар қайд этилади.

Диссертациянинг тўртинчи бобида **Штрюмпел спастик параплегияси билан оғриган беморларда молекуляр-генетик текширув** натижалари келтирилган. НСПнинг 80 дан ортиқ турлари мавжуд. НСП генлари хромосомаларининг (“локусларининг”) жойлашуви "Spastic paraplegia, loci" (SPG) деб белгиланади ва аниқланиш тартибига қараб рақамланади (масалан, SPG1 - SPG80) [Klebe et al., 2015]. НСПнинг ДНК-диагностикаси асоратланмаган НСП билан оғриган 9 болада SPG4 генининг анъанавий ДНК диагностикасидан бошланди. MLPA текшируви ёрдамида SPG4 генида йирик делециялар ва дупликацияларни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бунда MLPA ёрдамида SPG4 генида йирик делециялар ва дупликациялар аниқланмади.

